

Ақийда дарслари (48-дарс). Ғаззолий ва Илми калом



13:40 / 26.08.2019 6231

Имом Ғаззолий илми каломни бевосита олимларининг ўзидан ва уларнинг китобларидан яхшилаб ўргандилар. У киши бу илмни пухта эгаллади ва унда бир неча китобларни ёздилар.

«Ал-Иқтисод фил Эътиқод».

«Илжомул овом ан илмил калом».

«Ақийдату аҳлис-сунна».

«Ғаззолий ботинийя».

«Ғаззолий-тафриқа байнал Ислами ваз-Зандақа».

«Ал-Қистосул мустақийм».

«Кимёус-саода».

«Ал-Мустазҳирий».

«Ал-Мазнун биҳи ала ғойри аҳлиҳи».

Имом Ғаззолий илми каломни ўрганиб охирига етгандан кейин эришган натижалари ҳақида «Ал-Мунқиз миназ-золали» номли китобларида қуйидагиларни ёзадилар:

«Мен унинг мақсадига эришган, менинг мақсадимга эриштирамайдиган илм эканини англаб етдим. Унинг мақсади Аҳли сунна ва жамоа учун аҳли суннанинг ақийдасини муҳофаза қилиб бериш ва аҳли бидъатнинг адаштиришидан қўриш эди».

Имом Ғаззолийнинг замонига келиб илми каломда турғунлик юзага келган эди. Илми калом уламолари ўтиб кетган катта имомларнинг гапларини маҳкам тутиб туришдан бошқа ишни қилмас эдилар. Қадимги гаплардан қилча четланиш йўл қўйиб бўлмайдиган нарса, деган тушунчани кадрлар эдилар. Замон ўтиши билан эскириб қолган сўз ва жумлалар ўрнига кишиларга тушунарлироғини келтиришга журъат қилмас эдилар.

Имом Ғаззолий бу нарсаларнинг ҳаммасини бир тарафга қўйиб, улуғ уламоларнинг илмларидан фойдаланган ҳолда эркин ижтиҳод қилдилар. Одамларга яқин услуб ва тилда асарлар ёздилар ва илми каломда катта бурилиш юз беришига сабаб бўлдилар. Шунинг учун, эски услуб тарафдорлари имом Ғаззолийни ёмон кўрдилар, танқид қилдилар ва залолатга кетганликда айбладилар. У киши илми каломдаги ўз танқидчиларига «Файсалут-тафриқа байнал Исломи ваз-Зандақа» номли китобларида қониқарли ва етарли жавобларни берганлар.

Имом Ғаззолий бу борада ўртача йўл тутганлар ва илми каломда яхши тараф ҳам, салбий тараф ҳам борлигини таъкидлаб, у билан фақат мутахассис олимлар машғул бўлиши кераклигини уқтирган.

Имом Ғаззолий ақийда бобида Қуръони Карим услуби энг фойдали ва осон экани ва илми калом вақтинчалик чоралигини баён этганлар.

Имом Ғаззолий ўзининг машҳур китоби «Иҳёу улумуд-Дийн»нинг биринчи жузида эътиқодий масалаларни баён қилган. Ўша жуздаги китоблардан бири «Қавоидул ақоид», яъни «ақийдалар қоидалари» деб номланган. У

етти фаслдан иборат:

1. Калимаи шаҳодатнинг аҳли суннат ақийдасидаги таржимаси.
2. Иршод даражасига кўтарилиш ва эътиқоднинг даражалари.
3. Ақийданинг ёрқин далиллари.

Бу фасл «Қудс» деб номланган ва тўрт рукнга тақсимланган:

Биринчи рукн – Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотини таниш ва Аллоҳ таоло бир экани ҳақида. Бу масала ўнта аслдан иборат.

Иккинчи рукн – Аллоҳ таолонинг сифатларини билиш. Бу масала ҳам ўнта аслдан иборат.

Учинчи рукн – Аллоҳ таолонинг афъолларини билиш. Бу масала ҳам ўнта аслдан иборат.

Тўртинчи рукн – самъиёт ва у зот алайҳиссалом хабар берган нарсаларни тасдиқлаш ҳақида. Бу масала ҳам ўнта аслдан иборат.

4. Иймон ва Ислом ҳамда иккисининг бирлашиши ва ажралиши, зиёда ва ноқис бўлиши каби масалалар ҳақида. Ва ҳоказо.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан